

## БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА БАЗЕЛЬ ТАЛАБЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

PhD Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ORCID: 0000-0002-4892-9922

**Аннотация.** Мақолада халқаро Базел қўймитасининг банк тизимини тартибга солиши ва назорат қилиш бўйича тавсиялари ҳамда тегишли талаблари мўжокама қилинганд. Мамлакат банк тизимининг халқаро стандартлар бўйича фаолияти таҳлил қилинганд ҳамда тегишли хуносалар берилган.

**Калим сўзлар:** базел қўймитаси талаблари, банкларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, капитал, ликвидлилиқ, банк фаолияти самарадорлиги, соғ фойда, тизимли хатарлар.

### ВЫПОЛНЕНИЕ БАЗЕЛЬСКИХ ТРЕБОВАНИЙ ПО УКРЕПЛЕНИЮ ФИНАНСОВОЙ СТАБИЛЬНОСТИ БАНКОВ

PhD Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье рассматриваются рекомендации международного Базельского комитета по регулированию и контролю банковской системы и связанные с ними требования. Анализируется деятельность банковской системы страны по международным стандартам и даны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** требования Базельского комитета, показатели финансовой устойчивости банков, капитал, ликвидность, эффективность банковской деятельности, чистая прибыль, системные риски.

### IMPLEMENTATION OF THE BASEL REQUIREMENTS TO STRENGTHEN THE FINANCIAL STABILITY OF BANKS

PhD Sharipova Nilufar Hikmatullayevna  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article discusses the recommendations of the International Basel Committee on regulation and control of the banking system and related requirements. The activity of the country's banking system is analyzed according to international standards and the relevant conclusions are given.

**Keywords:** requirements of the Basel Committee, indicators of financial stability of banks, capital, liquidity, efficiency of banking activities, net profit, systemic risks.

### **Кириш.**

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банк тизимининг самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида корпоратив бошқарувнинг илфор стандартлари ва тажрибасини жорий этиш орқали банкларда бошқарувни такомиллаштириш, банк бошқаруви органлари ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ҳамда улар томонидан маълумотларни лозим даражада ошкор этилишини таъминлаш ҳамда банк сектори назоратини такомиллаштириш ва банкларда таваккалчиликларни бошқаришнинг замонавий тизимини татбиқ этиш келтирилган.

Шундай экан, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда банк назоратининг халқаро стандартларига мослашув муҳим аҳамият касб этади. Халқаро Базел қўмитасининг талаб ва тавсиялари миллий иқтисодиётда банк назоратининг тизимли ташкиллаштирилишига асос бўлади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Банк фаолияти барқарорлигини таъминлашда Базель қўмитаси талабарининг бажарилиши, уларнинг амалиётга жорий этилиши бўйича турли олимлар тадқиқот олиб борганлар. Кўплаб тадқиқиотлар асосида Базель қўмитаси талабарининг умуман банк тизимиға таъсири тадқиқ этилган.

Корчагин, Логвиненко (2017) фикрича, Базель-III талабарининг тўлиқ жорий этилиши базавий ва акциядорлик капиталининг шакллантирилишига ҳамда рискка тортилган активлар камайишига асосий эътиборни қаратади. Аммо бу кредитлаш ҳажмининг ортишига салбий таъсир кўрсатиб, натижада банклар фойдасининг камайишида намоён бўлади.

Бондарчук ўз тадқиқотларида Базель-III талабарининг вақтида жорий этилиши нафақат регулятор марказий банклар учун, балки тижорат банклари учун ҳам рақобатда устунликларни беради, деган хulosани беради (Брюков, 2011).

McKinsey and Company (2010) тадқиқотларида ликвидлилик бўйича қатъийлаштирилган талаблар йирик банкларга уларнинг ликвидлик ва капитал бўйича марказлашган бошқаруви сабабли кам таъсир кўрсатади, деган хulosани беради.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиши, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг банк фаолияти назорати бўйича иқтисодий қарашлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-хукуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хulosса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Халқаро ҳисоб-китоблар банки қошидаги банк назорати бўйича Базель қўмитаси Швецариянинг Базель шаҳрида 1974 йилда “ривожланган ўнлик давлатлари” (G10) марказий банклари раҳбарлари иштирокида ташкил қилинган. Қўмитага асос солинишига асосий сабаблардан бири халқаро валюта ва банк хизматлари бозорида юз берган муаммолар, қатор йирик банкларнинг банкротлиги бўлган. Базел қўмитасининг асосий вазифаси банк тизимини тартибга солишда ягона стандартларни жорий қилиш ҳисобланади. Шу мақсадда қўмита аъзо давлатларнинг банк тизимини тартибга солувчи органлари учун тавсиялар ҳамда ўйриқномалар ишлаб чиқади.

Базел талабарининг бажарилиши банк капитали ва ликвидлилигини халқаро даражада тартибга солишга, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга, иқтисодиётда стресс ҳолатлари натижасида банкларда юзага келадиган турли шок ҳолатларини енгил ўтишида муҳим рол ўйнайди.

Базел қўмитасининг асосий хужжатлари қўйидагилар:

1. Базель I талаблари 1988 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан банк капитали биринчи ва иккинчи даражали капиталга бўлинган, банк активлари рисклилик даражасига кўра беш синфга бўлинган.

2. Банк тизимини самарали назорат қилишнинг асосий принциплари 1997 йилда ишлаб чиқилган.

3. Базель II талаблари 2004 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, асосан, уч таркибий қисмга асосланади: капиталга минимал талаблар (Базель I талаблари асосида), назорат жараёнлари, бозор дисциплинаси.

4. Базель III талаблари жаҳон молиявий инқирозидан кейин 2010 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу талаблар ишлаб чиқилганида Базель III талабларини 2012-2019 йилларда босқичма-босқич жорий қилиниши назарда тутилган. Базель III талабларида Базель II талабларидан асосий фарқ шундаки, банк тизимининг янада барқарор фаолият юритишини таъминлаш масадида, капитал ҳамда ликвидлилик меъёрларига қўшимча пруденциал талабларнинг жорий қилинган. Қуйида бу талабларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Базель талаблари орқали банк фаолияти молиявий барқарорлиги таъминланишига халқаро ёндашувлар ривожини кузатадиган бўлсак, ушбу тизим сезиларли ўзгаришларга эга эканлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Банк фаолияти молиявий барқарорлигини таъминлашга халқаро ёндашувлар ривожи

Тавсифи	Базель I (1988)	Базель II (2004)	Базель III (2010)
Объект	Халқаро банклар	Халқаро банклар ва банк гурӯҳлари	Тизимли банклар, миллий ва глобал банк тизими
Фокус	Барқарорлик	Барқарорлик. Рискларни бошқариш тизимлари	Барқарорлик
Умумий ёндашув	Эҳтиёткор	Либерал	Эҳтиёткор
Талаблар характеристи	Мажбурий	Шартли-мажбурий ва мажбурий	Мажбурий
Тартиба солиш воситаси	Капитал, Капитал етарлилиги	Капитал етарлилиги, рискларни бошқаришга талаблар, капитал ва рискларни бошқариш тўғрисидаги маълумотни очиқлиги бўйича талаблар	Капитал, Капитал етарлилиги, ликвидлилик даражаси. Контрциклик тартиба солиш воситалари

Базель III талабларининг афзалликлари сифатида қўйидагиларни санаш мумкин: банк капитали таркибидаги молиявий инструментларга қаттиқ талаблар шароитида банк капиталининг, шунингдек, биринчи даражали капиталнинг сифатини ва шаффофлигини ошириш; деривативлар билан операцияларни таъминлашга минимал талаблар орқали рискни бошқариш; левераж кўрсаткичини нормаллаштириш; келгусидаги йўқотишларни қоплашга йўналтирилган контрциклик захира капиталини жорий қилиш; тизимли рискни баҳолаш ва бошқаришга ёндашувларни шакллантириш кабилар.

Базель III талаблари, асосан қўйидаги йўналишларни қамраб олган:

- Биринчи даражали капитал етарлилигига янги минимал талаблар жорий қилинган бўлиб, гибрид воситаларнинг босқичма-босқич равишда капитал таркибида тан олинмаслиги кўзда тутилади;

- Ликвидлилик талаблари қатъийлаштирилади ҳамда ликвидлилик нормативлари бўйича иккита янги коэффициент жорий қилинади: қисқа муддатли (Liquidity Coverage

Ratio - LCR) ва узоқ муддатли (Net Stable Funding Ratio-NSFR) ликвидилик кўрсаткичлари, шунингдек, левераж кўрсаткичининг қўлланилиши кўзда тутилади;

- Қўшимча капитал буферлари жорий қилинади: консервацион буфер (Capital Conservation Buffer – стрессдан ташқари даврда банк шакллантириши лозим бўлган риск даражасидан 2,5% қўшимча капитал захирасини назарда тутади) ҳамда контрциклик буфер (Countercyclical Buffer).

Консервацион буфер шакллантирилишининг асосий мақсади тизими иқтисодий пасайиш даврида банк заарларини маълум даражада қоплаш бўлиб ҳисобланади. Консервацион буферни шакллантириш учун банклар фойдани тақсимлашда зарур улушни капиталга йўналтиришлари лозим бўлади.

Банкларнинг ортиқча кредит активлигини чеклаш мақсадида контрциклик буфер жорий қилинади. Контрциклик буфер иқтисодий ўсиш даврида банкларнинг кредит активлигини чегаралашга қаратилган.

Базель III тавсияларига асосан, банкнинг биринчи даражали капитали жорий фаолият давомидаги заарларни қоплашга қаратилган бўлиб, иккинчи даражали капитал банк фаолиятини тўхтатганда юзага келадиган заарларни қоплашга қаратилган бўлади.

Базель III талаблари бўйича, биринчи даражали капитал қуидагиларни ўз ичига олади:

- Оддий акциялар;
- Тақсимланмаган фойда ва оддий акциялар бўйича эмиссион даромад.

Иккинчи даражали капитал ўз таркибиغا қуидагиларни олади:

- аудиторлик хulosаси билан тасдиқланмаган жорий йилнинг соф фойдаси;
- активлар қайта баҳоланиши бўйича захира;
- ссудалар бўйича йўқотишларни қоплаш учун умумий захиралар;
- капиталнинг гибрид воситалари (имтиёзли акциялар);
- субординар қарздорликлар.

Қуидаги жадвалда капитал кўрсаткичларининг етарлилиги бўйича Базель III талаблари келтирилган.

## 2-жадвал

### Базель III талаблари бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари<sup>193</sup>

	Биринчи даражали базавий капитал	Биринчи даражали капитал	Жами капитал
Минимал талаблар	4,5%	6%	8%
Консервацион буфер		2,5%	
Консервацион буфер ҳисоби билан минимал капитал талаби	6%	8,5%	10,5%
Контрциклик буфер		0 дан 2,5% гача	

Иқтисодий ўсиш даврида банкларнинг ҳамкорлари кредит риски паст бўлади. Бу эса, банкка кредитлаш ҳажмини оширишга имкон беради. Иқтисодий пасайиш даврида эса, шу жараённинг аксини кузатиш мумкин.

Бундай тенденция эса, иқтисодий пасайиш даврида, иқтисодий субъектлар энг кўп қўшимча капиталга эҳтиёж сезган даврда кредитлаш ҳажмининг пасайишига олиб келади. Бу жараён молиявий тизими нобарқарор ҳолатга олиб келади ва тизими рискларнинг даражасини оширади. Контрциклик буфер айнан шу муаммонинг ечими сифатида жорий қилинган бўлиб, иқтисодий ўсиш даврида кредит активлигини

<sup>193</sup> Базель III талаблари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

пасайтириш ва иқтисодий пасайиш даврида контрциклик буфер ҳисобидан кредитлаш ҳажмини оширишга қаратилган.

Банкларнинг турли банк рисклариға, шунингдек, тизимли рискка нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида консервацион буфери жорий қилинган. Консервацион буфер иқтисодиётдаги тизимли муаммолар даврида банклар фаолиятидаги стресс ҳолатларда қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган. Шунингдек, бу буфернинг жорий қилиниши, банк тизимини тартибга солищдаги камчиликларни олдини олишга, бир мамлакатнинг кредит рейтинги тушиши унга иқтисоди боғлиқ бошқа давлатларнинг кредит рейтингига таъсир кўрсатмаслиги мақсадларига хизмат қиласди. Ҳозирча, мамлакатимизда контрциклик буфер жорий қилинмаган. Аммо банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш Базел қўмитасининг ушбу талабини бажарилиши лозимлигини тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йилда Базел қўмитасига аъзо мамлакатлар сафиға қўшилган. Мамлакатда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифасини Марказий банк бажаради ҳамда Базел қўмитаси тавсиялари асосида банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли нормативлар белгиланган. Қуйида ушбу кўрсаткичларнинг таҳлили келтирилган.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар<sup>194</sup>

	Биринчи даражали капитал	Жами капитал
Консервацион буфер ҳисоби билан минимал капитал талаби	10%	13%
Контрциклик буфер	-	
Левераж коэффициенти	6%	
Лаҳзали ликвидлик	25%	
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти	100%	
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти	100%	

#### Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда Базель III талабларининг жорий қилинишида банк рискларини бошқаришнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги ҳам секинлаштиради. Рискларни баҳолашда миллий методологияни мукаммал ишлаб чиқилиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, Базель III талабларининг тўлиқ бажарилишида биринчи даражали капитал оширилиши, капитал таркибидан барча гибрид воситаларнинг чиқариб ташланиши билан боғлиқ талаблар бўйича қийинчиликлар мавжуд. Бу банк тизимиға қўшимча капитални жалб қилиш билан боғлиқ чегараларни келтириб чиқаради ҳамда параллел равишда биринчи даражали капитални ошириш талаб қилинади.

#### Адабиётлар/Литература/Reference:

Bank Governance (2008), Regulation, and Risk Taking//National Bureau Of Economic Research//Cambridge, MA 02138, June, pp.42.

Basel III (2011) Basel III definition of capital - Frequently asked questions, BCBS, Jun.

Basel III (2011) Basel III framework for liquidity - Frequently asked questions, BCBS, Jul.

<sup>194</sup> Марказий банк норматив ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

*Basel III (2011) Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems - revised version June 2011, BCBS, May.*

*McKinsey & Company (2010) Basel III and European banking: Its impact, how banks might respond, and the challenges of implementation// November //pp.32.*

*Брюков В.Г. (2011) Базель III. Новые регулятивные требования//Международные банковские операции. - №3.*

*Корчагин А.Г., Логвиненко В.Д. (2017) «Базельские Стандарты В России»// Теология. Философия. Право / Theology. Philosophy. Law. № 3 (3), стр. 59-72.*

*Шарипова Н.Х. (2023) “Тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар”/ Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, iyul.*